САЛИМ АШУР

# АТИРГУЛ

ТОШКЕНТ
«КАМАЛАК»

84(5Ў)6-5 Бадиий адабиёт

Тўқсонинчи йиллар ўзбек шеъриятининг илғор фикрли вакилларидан бири Салим АШУР қуёшли Сурхон фарзандидир. Унинг баъзан болаларча содда, самимий, баъзида халқона оҳангларда ёзилган шеърлари замирида кучли ҳарорат, туйқус айтилган катта поэтик фикрлар мавжуд. Шу важдан бўлса керак, Салимнинг шеърлари кўпинча бармоқ вазнининг силлиқ, анъанавий қолипларига сиғмай, дала гуллари янглиғ бемалол бўй таратади, чирой кўрсатади.

Ю 32020
091

Alisher Navoi
nomidagi
O'zbekiston M
5968

ISBN 5—633—00905—3

А $\frac{4702620206-10}{356\ (04)-94}$ 40—50—94

© САЛИМ АШУР «АТИРГУЛ», 1994

* * *

Баҳорми соф нафаслар сочкан?
Кўнгилни илиткан баҳорми?
Яшил ғилдиракли аравасида
Кўзига ёш тўлиб Атиргул борми?

Бодпаррагу бодпаррак,
Сочининг тори гажак.
Қароғининг найчаси,
Қошларининг қайчиси.
Қирқди-ку ҳаётимни,
Қирга айтай додимни.

Баҳор, Атир кўнглига
Менинг отим бўлиб кир.
Соғинсин ва ўксинсин,
Менинг ёдим бўлиб кир.

Пушаймон бўлсин у, пушаймон бўлсин,
Чексин ўзи каби чиройли афсус.
Баҳор, Атиргулнинг кўнглини эрит,
«Севаман» деб йиғлаб юборсин туйқус.

Мени ранжиткани учун йиғласин,
Ҳар лаҳза йиғлайман, сиқтайман.
Суймагани учун ичлари куйса,
Оёғини ўпиб тўхтай ман...

Баҳорми соф нафаслар сочкан?
Кўнгилни илиткан баҳорми?
Яшил ғилдиракли аравасида
Кўзига ёш тўлиб Атиргул борми?

* * *

Маним онам туфроқ эди,
Лек оқлиги қўпроқ эди.
Зар зарраси — йор йораси
Сўнгакимга қайроқ эди.

Эна, кетай, мани қўйвор,
Ики кўзим ики Жўйбор.
Мозорни тор дема, ай-йор,
Боримизга е-тар жой бор.

Эна, кетай, қўйвор йоки,
Йоки олгил қучоғинга.
Нечук ўғул ўлдум токи
Утун ўлмай ўчоғинга.

Маним онам дарахт эди,
Яфроқ каби кеттим ташлаб.
Санг-сахт онам келолмайдир,
Қўйвормайди тошлар, даштлар.

Маним онам баҳр эди,
Кетиб қолдим гўйо наҳр.
Бошим оғар нишаб йоққа,
Суйим бўлиб қолди тахир.

Маним онам эсанг тандир,
Оғушинда қани йондир.
Ҳали-ҳамон узма, эна,
Уғлунг йопилган бир нондир.

Йонгинамда йонган ўлим,
Қонларимга қонган ўлим,
Чор-ла-ма-гил, чор-лай-бер-ма,
Сан тарафка эмас йўлим.

## ОЛМА ДАРАХТ

Қуёш тиллосидан қуйилган олма.
Қуёшнинг тошидан ўйилган дарахт.
Ўғлини урушка узаткан она.
Урушлардан ўғли қайтмаган бебахт.

Ўғил туғиб бериб ҳаётка,
Қалбин
Минг бир суягида дард туйган аёл.
Келинлик либосин кийганда олам,
Кишка аза очиб, кўк кийган аёл.

Йиллар худосидан толе ўтинсам,
Менга янги йилда нор туткан хотин.
Фасл ташрифидан Ҳақиқат кутсам,
Янги йилда совуқ, қор куткан хотин.

Ит гадони билмас, пошшоҳни билмас,
Не гадо, не пошшоҳ кўрган волида.
Ойни чироқ қилиб келини — туннинг
Сочларин тонггача ўрган волида.

Қуёш тиллосидан қуйилган олма
Қуёшнинг тошидан ўйилган дарахт.
Ўғли урушлардан қайтмаган она. —
Ўғлини урушка узаткан бебахт.

* * *

Хирмон — бир ҳовуч тонг.
Чигиртка — қора юлдуз.
Сочларига занжирланган тун билан юзини ёпиб,
Мизғир —
Кўкрагини кўтариб чарчаган қиз.

Пахтазорда адаштим саргашт тунда,
Узоқтан липиллаб кўринди чироқ —
Рўмолини тарози ҳалқасига илиб,
Қиз ухларди кўзлари очиқ.

* * *

Дарахтларга чиқиб олган тонг
Оёғини осилтириб тушади.
Шохи туморли сигирини
Момом подага қўшади.

Пода кетар — далада тонг тўзийди,
Тупроқли йўлларда излар аралаш.
Қуёшни уйғотгани кетмон олиб чиққан
Ўн олтига тўлган, тўлмаган қизлар аралаш.

Оғилдаги бузоқ «мў»лайди,
Подага қўшиб бўлмайди ҳали...

## ЭГАТЛАРГА ТАШБЕҲЛАР

Шамол тилларини чиқариб ялар —
Майсалар суяги қарсиллаб синди.
Эгатлар,
    эгатлар,
        ханжар эгатлар —
Мангу занглamaйди ям-яшил қинда!

Қаноти узилиб юлдузтомчилар
Лабимнинг гулига томди чилчироқ.
Эгатлар,
    эгатлар,
        тармоқ эгатлар —
Куёш тилин кескан ям-яшил тароқ.

Тупроқ остидаги сирли маҳбуслар
Қайтиб чиқмаслиги учун панжара.
Баҳорнинг, ёз, кузнинг исёнларини
Босиб-босиб турган яшил панжалар.

Кунларнинг илдизи,
Қовурғалари,
Дала томоғига тиқилган қилтиқ.
Уқлари отлар-ла тортиб олиниб,
Чигитлар жойланган пилтали милтиқ.

* * *

Алпомиш, сен тулпор сурган ерлар қани?
Сочларингнинг ўрмонида шерлар қани?
Ёғийларнинг олдида хор қилди у қиз,
Қиличини ой чархлаган эрлар қани?

Йўл бўйида теракларнинг бўйи узун,
Чимилдиққа кирар қизнинг ўйи узун.
Қирқ кеча, қирқ кундуз энди май беради,
Боболари подшоҳ қизнинг тўйи узун.

Мард куёвнинг бошига тож қўндирайин,
Келинини бир қарашга кўндирайин.
Ё бўлмаса бахт уйининг тилло
Зинасида пиёламни синдирайин.

Кеча осмон кўзларимда қат-қат эди,
Ой ҳам куйиб пўст ташлаган бир жаҳд эди.
Бу дунёда ошиқлари кўп экан-эй,
Ситоралар ёнаёткан тўйхат эди.

Карвон йўли сарой бормай қайрилади,
Қиё боқса қиз — тулпорлар тайрилади.
Фарғонанинг йўлларида йиғлар сарбоз,
Бир жон энди эс-ҳушидан айрилади.

Водийнинг энг гўзал жойи Водил экан,
У ерларнинг эшонлари одил экан.
У ерда бир қиз бор эди — суяги оқ,
Кўзларидан бахт изладим...
О, дил экан...

Йўлларини бўрон тўсиб чиққан келин,
Қўлларидан илон ўсиб чиққан келин.
Кўзларимдан рўмолингни йиртиб олиб,
Кетар бўлсанг — тезроқ кеткин, узоқ кеткин.

Кунботарда шафақларнинг мавжи баланд,
Кунчиқарда чумчуқларнинг авжи баланд.
Овози илк дўриллаган йигитчадай
Тўр ичида какликларнинг ҳажви баланд.

Дарёларда ҳилол минган ошиқлар ул
Тун ичига оқиб кирар мисоли гул.
Қайиғимга йўл кўрсаткин, олтин балиқ,
Тангаларинг тўкилса гар берайин пул.

Баданимга олов сочиб келган у — ким?
Шамол бўлиб тоғдан қочиб келган у — ким?
Юрагимнинг чўлларида адашкан ул
Карвонларга йўллар очиб келган у — ким?

Алпомиш, сен тулпор сурган ерлар қани?
Сочларингнинг ўрмонида шерлар қани?
Ёғийларнинг олдида хор қилди у қиз,
Қиличини ой чархлаган эрлар қани?..

## ҲАМАЛ

Капалакнинг аробасида
Сузилади келин — бойчечак.
Қўнғироқлар қиқирлайдилар,
Чумолилар чалади чапак.

## САВР

Ғимирлайди қалбда бир нима.
Оёққа туради ҳисларинг.
Кўзларига адаштиради
Кўз остига олган қизларинг.

## ЖАВЗО

Қарай-қарай қиз кўйлагига
Қоқигулнинг сочи оқарди,—
Юлиб-юлиб тўзғитди шамол...
Қуёш четдан ғариб боқарди.

## САРАТОН

Бошоқларнинг кўкраги бўлиқ.
Калтакесак куйлайди: чаҳ-чаҳ.
Қурбақанинг бақбақасида
Ютилмаган бир қултум фараҳ.

## АСАД

Атиргулнинг атирларини
Ичиб-ичиб тўймаган илон,
Кўйлагини еча бошлади,
Баданига лаб босди осмон.

## СУМБУЛА

Ишқида сўзларни чангитиб
Фалакдаги хўрозқанд ўрдак
Жўжасининг қулоқларига
Тилларидан тўкарди чўпчак.

## МЕЗОН

Нондай ой деб жиққамушт, вайрон,
Оқ ва қора ачки — тун ва кун.
Кўҳна-кўҳна ғазаллар ёзар
Бадаиига тилларанг қовун.

* * *

Чарчамади чўзилган ёмғир,
Қарай-қарай кўзлар толдилар.
Нафас олиб оғирдан-оғир
Эшикка суяниб қолдилар.

Кун бўйи, кунбўйи, ку-унбўйи
Чарчамади чўзилган ёмғир.
Тун куйи, тункуйи, ту-нкуйи
Аччиқ чоғир ва сочиқ, сағир.

Кун бўйи, кунбўйи, ку-унбўйи
Деразадан боқтим очунга.
Кўз тўлди топ-тоза, ям-яшил,
Гултувакта ўскан тутунга.

Кун бўйи, кунбўйи, ку-унбўйи
Дераза ёнида ўтирдим.
Тун куйин, тункуйин, ту-нкуйин
Ўзбек тилига ўгирдим.

* * *

Кет дединг, кўргани кўзим йўқ дединг,
Кўзингда бир ўчоқ нафрат ёнарди.
Кечаги қадрдон гулимиз бугун
Сен билан баробар мендан тонарди.

Мен сени шунча пайт кутдим, дединг сен—
Кет, энди менга ҳеч керагинг йўқдир...
Ўнта бармоғингга ўн бор йиқилдим,
Узугинг — дилимни эритган чўғдир.

Кет, дединг, кўргани кўзим йўқ, дединг,
Чашмимга ҳуснингни элади андуҳ.
Бошингни кўксимга уриб йиғлагин,
Дардинг ёшларидан шароб ичсин руҳ.

Юзингни ёстиқдан қизғон, сочингни —
Менга нафратингни, берма тароққа.
Паноҳ сўраб келдим — безиб дунёдан,
Ҳайдадинг, бораман энди қаёққа?

Кет, кўргани кўзим йўқ, дединг. Дединг:
Энди юрагимда ҳечам ишқинг йўқ.
Сездим: бу хонада гул ҳам энди тош,
Тош — менга тегиши керак бўлган ўқ.

Сен отсанг, ўққа ҳам кўксимни тутай,
Дилинг титрамасин, кетмасин хато.
Иккимизни бирга қўшиб боғлаган
Орзулар занжири узилди, оё!

Кет, кўргани кўзим йўқ, дединг. Дединг:
Севдира олмадим ўзимни сира.
Атиргул кўнглингни жодулаганми?
Унга ҳам дейсанми: «Ой каби сара!»

Илғадим, аламнинг тиконларидан
Қаҳр ичида ҳам авайлар эдинг.
Мен у кун ўт кечиб келгандим, аммо
Кет, дединг, кўргани кўзим йўқ, дединг.

* * *

Кўксумга оловлар қалади фалак,
Кўнглум маҳзанларин талади фалак,
Жонимни жонинга улади фалак,
Энди хаззонимга тўлади фалак,
Учқун учқон ўчоқларим ўчти менинг,
Ирмоқларим, қирғоқларим кўчти менинг.

Ғамимни, камимни тунга яширдим,
Кечага, кўчага дилни топширдим,
Бу бахтсиз бошимга ўзим тош урдим,
Толе тошларига келиб бош урдим,
Учқун учқон ўчоқларим ўчти менинг,
Ирмоқларим, қирғоқларим кўчти менинг.

Йўлларингнинг чанги кўзимга тушти,
Қўлларингнинг ранги сўзимга тушти,
Соялар, қоялар изимга тушти,
Ханжарлар, ахгарлар бўғзимга тушти,
Учқун учқон ўчоқларим ўчти менинг,
Ирмоқларим, қирғоқларим кўчти менинг.

Гул туккан боғларга, марҳабо, келинг,
Тун чўккан тоғларга, марҳабо, келинг,
Биз ўскан ёқларга, марҳабо, келинг,
Дилдаги доғларга, марҳабо, келинг,
Учқун учқон ўчоқларим ўчти менинг,
Ирмоқларим, қирғоқларим кўчти менинг.

* * *

Ботаётган қуёш ғоятда ғамгин,
Уфқ тунни бизга қарши қайрайди.
Опам оғриқларга ўраниб тамкин,
Ёмғурда
    ўчоққа
        ўтин қалайди.

Ҳар қўлида бешта ғўзапоя бор.
Қўлларин тараша қилиб ташлайди.
Кўнглумга етказмай заррача озор,
Опамнинг қўллари ёнабошлайди.

Рўмоли осмондир. Осмон тагидан
Паришон қор ёғар, маҳфуз қор ёғар.
Қошларининг қора торткан баргидан
Дунёнинг ҳасрати кўзимга боқар.

Уттиз йил ҳар куни кўрдим дунёни
Кўз очиб, кўз юмиб бодом гулида.
Бодом гули — менинг кўзим, опамнинг
Кўзлари йиғлайди найсон тилида.

Кунботар ёқлардан излайман нени?
Кунботар заволлар ҳақда куйлайди.
Мен хатар ичида юргандай, мени
Узимдан ҳам кўпроқ опам ўйлайди.

Ғийбатнинг оғзига ёпилар сарпўш,
Қозонларни дайди итлар ялайди.
Опам бахтни эмас, ёпиб ёмғирпўш
Ёмғурда
    ўчоққа
        ўтин қалайди.

20 06 5963 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston M...

* * *

Мени унутмоқда қамиш капалар,
Унутганим каби узоқ вақт шеърни.
Сопол синиқлари сочиқ тепалар
Қадимий тимсоли туғилган Ернинг.

Ғамимдай қабарган тепаликларда
Оппоқ суягаклари болалигимнинг.
Оҳ, бу суякларни улаб жон берса,
Сафлари тикланур баҳодирларнинг...

Мени соғинмайдир деворсиз ҳовли,
Мени кутмайдилар дарвозаларим.
Сизларни барибир соғинар ўксик
Кўзларим, қўлларим, овозим.

Чўлларнинг ёдидан ёздай қовжираб
Учаман.
Осмонда юлдуз тойғинар.
Турпоқ ҳам мендайин шамолни эмас,
Йилонни соғинар, қушни соғинар.

Олтин олмадайин дилфуза офтоб
Сўзларимни экар шудгорларимга.
Сувлар тўлқинида кемам — омочим,
Дунёни йўргаклай озорларимга.

Тупроққа ташланган данак,
сўз каби —
Кўкариб
ям-яшил достон бўлгуси.
Анкабут мисоли чопади нигоҳ,
Кўзларим дунёдан мастон бўлгуси.

Кўзим андалибка ошён бўлгуси...

* * *

Жамолинг нурига ташнаман,
Дийдорингни чанқади ҳовуз.
Жисмим менинг жафокаш тошдан,
Ел чумчуқтай чалгай чанқовуз.

Қомати ғам каби қайрилган
Мажнунтол — ўзимдай мажруҳ тол,
Ёридан ман каби айрилган
Гулаёл, нурхаёл, каж-руҳ-дол.

Толедор мен эмас, шу ҳовуз:
Сойингдин ойдинни ичади,
Хиромон қилади минг товус,
Қушлар мени ташлаб учади
(Бир қушсиз қоламан кўчада).

Озорим абгорида Ҳовуз ва ҳамсоя қиз,
Қовурғам шудгорида Синган парча жуволдиз.
Кечмишим ангорида Беш панжам очиқ йилдиз,
Жонимнинг фигорида Қўшни қиздан қолган из.

Хинадор кафтингни ўпади сатил,
Кўзим, кипригига сатилдай осил.
Бизнинг дарвозага яқин юриб ўт,
Юлдуз қиз, муродинг бўлсин-эй ҳосил.

Ҳовузнинг суйи йўқ, менинг ғамхўрим,
Жафокор дунёда жоним — қаттиқ тош.
Муҳаббатталабман, бошда шу кўрим,
Чанқоғимга қудуқ беролмагай дош...

Юлдуз қиз, юзлари кундуз қиз,
Кўкрагига қундуз кирган қиз,
Изингда оёғим қонади,
Кипригингдан тўкдингми бигиз?

## ТУРТЛИК

Набира *осмонга тикилиб чопар,*
Бобо ерга боқиб қадамлар секин.
Бола йиқилади қоқилиб тошка,
Чол уриб олмайди осмонга бошин.

* * *

Адолат, капалак ингроқларида
Синди қалдироқнинг суяклари ҳам.
Чақмоқнинг гулсимон титроқларида
Мен кўпман, сен кам.

Ёмғир сочларингни қайчилайверсин,
Кўнглимни кўтаргин киприкларингда.
Бир раъйинг синмасин, мойчечак синсин
Туну тонгнинг кўприкларида.

Ҳар кун йўлларингни қуёш ёриттай,
Йўлимга кўндаланг қошинг — қоронғу.
Зулфинг қармоқлари тилимдан ўтган.
Қошларинг — кўзингга қўйилган урғу.

Оғзингга қафаслаб оппоқ қушларни,
Лабингда чақмоқлар синдириб кулма.
Гуллардай очилтир умрим тошларин...
Адолат қилма.

## ЁРУҒ КЎЧА

1

Очарчилик пашшахонасин
Шу ҳовлида биринчи қурган.
Соқолидан нур оққан бобо
Фашистларни, урушни кўрган.

Қуёшга тик қараган тандир
Сават-сават нон узатади.
Меҳмонларни обдаста кутиб,
Оппоқ сочиқ хуш кузатади.

Тонг яшайди сигир жонида,
Қўзичоқлар — беданинг гули.
Ҳатто ит ҳам занжирланмайди,
Уйга туташ дунёнинг йўли.

2

Дарахт ўсар жон-жаҳди билан,
Исларини таратар райҳон.
От бўйнида — маъюсликнинг ҳам
Тушларига киради сайҳон.

Мезонни соғинган мевалар
Тўкилади ойдин қўшиққа.
Бесас, из қолдирмай юлдузлар
Ҳар кеча тушади қудуққа.

Болаларни қўрқитган хўроз
Тартиб ўрнатади ўз билганича.
Симёғочда фонус тиқирлар,
Кўнгил каби ёруғ бу кўча.

3

Бир ота бор — чинордай қари,
Суягини йиллар чархлади.
Кимлар уни қораладилар,
Эллигинчи йиллар оқлади.

Ёлғиз эмас, кўплар қатори
Берлингача борди пиёда.
Фарзандларин кўп ўйламади
Ҳаёт пахта бўлган дунёда.

Тиззасининг кўзларида, ҳей,
Етмиш йиллик азоблар қотган.
Етмиш йилдан кўп нарса топди
Ва жуда кўп нарса йўқотган.

4

Бир она бор — бахтни кам кўрган,
Ҳасратлардан чиқмаган боши.
Денгиз бўлар эди тўпланса,
Умр бўйи тўккан кўз ёши.

Бир она бор — меҳнаткаш қўли
Ойдай-ойдай нонлар ёпади.
Гулдай-гулдай ўғил-қиз учун
Тун юради, кундуз чопади.

Йиғлаб қўшиқ айтишлари-ей,
Юрагимни қон қилади, қон.
Унинг нозик билакларида
Тўлиб-тўлиб шафқатлар оққан.

Бир она бор — пок қучоқлари
Умримнинг раҳмдил нажот қояси.
У дунёнинг қуёши эрур,
Дунё эса унинг сояси.

5

Бу *йўллардан* арслон юради,
Йўл четида қўзиқоринлар.
Буғдойзорни ҳилол ўради,
Кун келади, кетади тунлар.

Адашмайди қари илонлар,
Қалдирғочлар кўрсатади йўл.
Ўнгда югуради жайронлар,
Чучмомалар тўла сават — сўл.

Адирларда қуралай эпкин —
Қўзичоқлар хуррам ўтлайди.
Йўлдан арслон ўтади, лекин
Қора *мушук кесиб* ўтмайди.

6

Капалакнинг оддий қаноти
Осмонни тебратар бу ерда.
Ўсмирлар шеър ўқиб йиғлайди,
Лола кўкаради ҳатто қабрдан!

Том *устидан ажиналарни*
Қочиради хушбўй исириқ.
Болаларнинг изидан юриб,
Мусичалар терар ўз ризқин.

Қўзичоқнинг қарашлари-ей,
Жон киритар минг йиллик тошга.
Энг нозик буғдой ҳам, арпа ҳам
Бошига кўтарар қуёшни.

Ситоралар ғоятда ёруғ,
Хиёнатдан жуда баланд шамс.
Қишин-ёзин қушларга тўлуғ
Бир осмон бор — ҳеч қовоқ уймас.

Йигитларнинг кўнгли жуда кенг,
Қизлар ойдай порлар уйқуда.
Шунинг учун боболар тинчдир,
Момоларнинг умри осуда.

7

Кўзларим соғинчин сочиб келганда
Шошқин поездларнинг деразасидан,
Юпун туйғуларда ривож ва равнақ,
Жарчи кучукларнинг овозасидан.

Жаҳлдор буқалар қаршилайдилар,
Иштонсиз жияним...
Қишлоқ юлдузи...
Хотирам оғриқдай кескин уйғонди
Юракни чангаллаб бахтнинг илдизи.

Мен — қишлоқ одами.
Аламларимни
Севинчу суюнчим тузатолмайди:
Жарлар солиб кутиб олган кучуклар
Нега жарлар солиб кузатолмайди?!.

8

Купе. Чеҳралар иссиқ
Чой тўла косадай ҳовурли.
Сочлар оқ ёстиққа илдиз ёяди,
Кўз юма олмаган соғинч қоровул.

Иштонини тунда ёяди
Қишдан кеча чиққан қишлоқлар.
Оддий халққа нотаниш шаҳар
Бўлади ҳали бу тилларанг тошлоқлар.

Купе. Кўзлар ўргимчакдай ўрлайди.
Учқур деразага юз босар барча.
Чинқириб ой сари учаётган бу
Поезд — хаёлимдан узилган парча.

Менга бу тун асли оғриқ эмасдир,
Дилимни оғритмас қадимий тошлоқлар.
Фақат бу жим-жит тун хатарлидир кўп
Ва тунда тош каби жим-жит қишлоқла

## ,АНИФАГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШИҚ

Iшагингни мудратмай,
узук, дуруст йўрт-да, қиз.
Iаҳот, отанг бу дунёга
ени ишонар ёлғиз.

,аҳорларнинг қорнида ҳал бўлмайди сомонлар.
омонларнинг поясида зирқирайди баҳорранг.
оғликларни кўтаролмай бирдан ўлағаз бўлдим.
анифанинг чиройини даст кўтардим ё аранг.

,анифажон келади, Ҳанифажон қора қиз.
евишимни билади, Ҳанифажон сара қиз.
илагингга қамчин бўлиб чулғанайин,
шиб-эшиб лаблар боссанг, зора, қиз.

ўйлагингни кир қиласан, канорингни бер менга.
ен яхшиси сой тубидан тилло тошлар тер менга.
ирқ жилғада ташна қолган қирқта умрим,
анифажон, эр бўлайин, эр сенга!

зоқлардан термуламан кўйлагига.
Iаликадай сахт-сумбати, бўйларига.
талари десин тилга сиққанини,
ирқ қўчқорни тортиқ қилай тўйларига.

омонларга айланаман, ейди мени сигирлар,
игирларнинг кўзларини беда иси сеҳрлар.
ор бағрни ерга бериб, тошга босиб ётаман,
унё мени унутади. Унутади меҳрлар.

Эркаланар эшагимга эшаги Ҳанифанинг,
Орзу бўлар хашагимга хашаги Ҳанифанинг.
Дўпписининг гулбаргида ўйнаб берай,
Совчи қўйсин тилагимга тилаги Ҳанифанинг.

Осмонларни тепиб-тепиб,
Тиззасини елпиб-елпиб,
Шум мочаси кочиб борар, иплари судралади.
Тутиб берсам мен мардланиб, мен шерланиб,
Гўзалимнинг қирмиз-қирмиз лабида нур буралади
Ҳанифажон ийманади, уёлади.

(Хотиранинг тиззаси йиртиқ,
Болаликнинг уяти йўқдир.
Сомон учун жўнатилган қиз,
Беғам дилга отилган ўқдир!)

*Далаларнинг кўзларини чўқилайди орзулар.*
Орзуларнинг чопонини шилиб олади қайғу.
Қайғуларнинг тубларида товланар тарам-тарам
Қаҳрабонинг шуъласидай тонгга чўмилган туйғу.

Тўлмаса,
Термаса
Бу бармоқ
Мошоқ.
Майли, тўлмасин хуржун.
Ҳанифанинг бармоклари
Фақат ўпмоқлик учун!

(Куйдим, дедим, куйим менинг
Сомон каби хор бўлди.
Юрагимни *шартта очдим,*
Ҳанифажон бор бўлди.)

Қуёшни қанорга тиқаман.
Сомонлар сочаман қуёшга.
Мен жуда ўхшайман киприкдан
Узилолмай титраган ёшга.

Эшаклар ҳанграб-ҳанграб,
Навбат-навбат йўл олар.
Кимнинг қўли узун бўлса,
Сомонлардан мўл олар.

Мудратмай эшагингни,
Дуруст-дуруст йўрт-да, қиз.
Наҳот, отанг шу ҳуснинг-ла
Сени жўнатди ёлғиз.

Эшакларнинг қорнидан
Товуш берар фойдалар.
Ҳидларини, исларини кеча билан
Бош устидан сочалоқ қилар бу жийдалар.

Кипригимда ялтирайди
Тилла сомон, тилла сомон.
Ҳанифажон, ашула айт,
Ялла — омон, ялла — омон.

Эшагининг устида у чайқалади,
Менинг эса ҳолим ёмон, ҳолим ёмон...

* * *

**Булутлар —**
**Пайғамбарлардай осмондан тушиб келади,**
**Бургутлар —**
**Фариштадай учар фалакка,**
**Болакай жаҳонни унга белади,**
*Она чиқиб кеткан эди элакка.*

**Максудини унутиб,**
**Тушидан сўйлар аёл:**
**«Миннат нонин егандан**
**Тошни тишласам ҳалол...»**

**Дунёга ям-яшил байроклар сочиб,**
**Қирдан эниб келди бир авлод майса.**
**Буғдой доналари кўзларин очиб,**
**Кўтариб чиқдилар бир қучоқ найза.**

**Дўстка зор,**
**Душманга хор қилма деб,**
**Яхшида йўқ,**
**Ёмонда бор қилма деб.**

**Сўзлар —**
**Илонлардай судралиб борар,**
**Гирвод боғлаб қўйди само кўзини.**
**Езиб ёруғ куннинг қора қулочин**
**Лочин**
**Шўр кўпчиган пешонага отди ўзини.**

**Ҳилол — илоннинг тили,**
**Ҳар учидан томар дур.**
**Чорлайди Сомон Йўли,**
**Ярим ойга қараб юр.**

**Булутлар —**
**Пайғамбарлардай осмондан тушиб келади...**

* * *

Бошимда йиғлади бир қуёш,
Пойимда ўртанди битта Ер,
Онажон — энг юмшоқ, мунис тош,
Синиб кетмадингми, жавоб бер.

Синиб кетмадингми, онажон —
Минг марта синган эй шафиқ қалб?
Сен учун асрайди тегирмон
Битта зарб, битта зарб, битта зарб.

Теппамда юзадир бир гурзи,
Бир куни эзадир бошимни.
Мен эса ёпаман кўксим-ла
Энг юмшоқ, мулойим тошимни.

Онажон, сен улкан тоғдирсан,
Мен сендан юмалаб тушяпман.
Тош каби мен кўҳга боғлиқман,
Тош каби мен бағри қаттиқман.

Онажон, ҳар қандай фаслни
Тоғ каби, боғ каби кўтардинг.
Гар маъмур замонлар бўлганда
Жаҳонни ёритиб ўтардинг.

Онажон, дунёда ҳеч кимса
Мен каби сени хор қилмаган.
Эҳтимол, иттан ҳам пасттирман
Отаю онасин билмаган.

Онажон, сўлмагил, меҳрибон,
Очуннинг ранглари тўзмасин,
Онажон, ўлмагил, сеҳрибон,
*Гардуннинг ранглари ўчмасин.*

Менинг-ку шеърларим бир чақа,
Сенинг касалингдир сўзларим.
Кўзларим — ўт боскан занг тақа,
Сенга ҳеч тўймади кўзларим.

Кўзларим йўлингда тўкилди,
Кўзларим чўкилди йўлларда.
Кўзларим китобдай ўқилди,
Сарғайди энг нозик қўлларда.

Қўллардан дон терди жонларим,
Мен ёмон кўраман жонимни.
Баъзан энг яхшидан қизғондим
Арзимас, беқадр донимни.

*Онажон, ростини айтсам гар,*
Сеҳрбон, илтимос, ўлмагил.
Сен тушун, чун баҳор қайтса гар
Осондир гулларнинг сўлмаги.

## ҚОРА ОСМОН

Қора осмон, қора осмон,
Қайғу янглиғ қоп-қора.
Сара сомон, сара сомон,
Сигир соғади наъра.

Қора осмон, қора осмон,
Сағри янглиғ қоп-қора.
Булут чопар уюрсимон,
Тилимни тишлар яра.

Қора осмон, қора осмон,
Ғор ичидай қоронғу.
Кўприкда йўл тўсар тўзон,
Ўзни сувга от уйқу.

Уйқу, уйқу, қаноти ҳўл,
Пайтаваси ҳўл уйқу.
Кулча бўлиб ўралар йўл,
Адашади оқ айғир.

Айғир, айғир, қулоғи туғ,
Елларида жанг-жанжал.
Ҳилол чалар тилло бурғу,
Қўшин тортади жангал.

Бурғу, бурғу, туммор бурғу,
Отиб олдингми чоғир?
Шохларини чархлар буғу,
Тўши кўзимдай яғир.

Тумор, тумор, зуннор туммор,
Куш юткан динор — юлдуз.
Келма зинҳор, кўзи хумор,
Корда бор анор — юл, уз.

Кўзи хумор, кўзи хумор,
Қўзларида қиш, баҳор.
Керак бўлгум, мени ўмар,
Фақат билмасин ағёр.

Қушим, қушим, олтин қушим,
Чин тепага қўнган қуш.
Капалакдай учди ҳушим,
Ёнимга туш, пастка туш.

Буғу, буғу, сандоғида
Ханжар, тавар, қиличи.
Сандон, тандир, ўчоғида
Оғу ва чўғ, қил учи.

Қора осмон, қора осмон,
Дунё — қоп-қора камар.
Парча-парча олов билан
Булут йиртиғин ямар.

Қора осмон, қора осмон,
Пастда шовуллар дарё.
Ул қирғокда чироқлар бор,
Бул қирғоқ зулмат аммо.

Дарё, дарё, улуғ дарё,
Сув ичар ташна тўқай.
Кўлни кечиб пода ҳайдар
От минган қора лақай.

Пода ҳайдар, пода ҳайдар,
Йўлни тўсар қамишзор.
Сув тагида тошзор каби
Ухлаб ётар балиқзор.

Қип-ёлонғоч ётар қумлоқ,
Қўлимда титрар фонус.
Кириб олиб тошчироққа
Пуфлаб ўчирар инс-жинс.

Қора осмон, қароликка
Қайиғим чўкар-чўкар.
Адашкан ой юзларимга
Раҳмат нурини тўкар.

Қора осмон, қора осмон,
Йўлин йўқотар дунё.
Бир-бирини тополмайди
Сайёраю сурайё.

Қора осмон, қора дунё,
Менинг ғамимни ема.
Ўзингга боқ: ўзинг қумга
Тиқилиб қолган кема.

* * *

Мункиллаган қария — қуёш
Жимирлайди шароб тўла косадай.
Чўққилар дўпписиз йигитлардай
Узатади бири иккинчисига.

Кўкрагига яшил пичоқ санчилган йигит
Тухумни ичкандай,
Дорини юткандай
Коса билан ичиб юборди майни.

* * *

Бугун шанба, эрта — якшанба...
Гўё тугаб қолади умрим.
Дунё менга керак эмастай
12да ўрнимдан турдим.

Бугун шанба, эрта — якшанба,
Соқол ўсар икки кун эркин.
Ҳурриятка ҳали кўникмай,
Эрк ҳам тугаб қолади секин.

Бугун шанба, эрта — якшанба,
Эрта ёмғир, бугун қор ёғар.
Ҳеч ким келмас мени кўргани,
Почталар ҳам келтирмас хабар.

Бугун шанба, эрта — якшанба,
Ухлаётган оловлар, тур-он.
Бир-бирининг қўлидан ушлар
Гузар, гулзор, ҳаммом ва дўкон.

Бугун шанба, эрта — якшанба,
Пичан чайнар шамол — кўк отим.
Кулбанинг бир кунжида нондай
Синиб ётар бўрон — қанотим.

## АТИРГУЛ

(Достон)

А. А. В.
Ҳаётимни сенга бағишлайман

1.

Фақат...
Фақат... унутиб юбордим Сурхондарёни.

Мени алдадингиз, Олма Дарахти,
Сиздан олдин мени авради бир қиз.
Бирор бўғинимни кўрмадим бахтли,
Оппоқ суягимда қиличлардан из.

Куз эди, чаноқдай очилди оғзим.
Бўғзимдан мен кесиб ташладим:
«Севаман!»
Тошдан унган гулда қолди озиғим,
Бир мажруҳ юракка эгаман.

Бобожоним, Олма Дарахт,
Менга бергин бир дирҳам,
Сусамбилнинг бозоридан
Сотиб олай хотирам.

Фариштанинг бўйнига
Ҳилол тақиб қўяман.
Севишимга ё ишонсин,
Ё ўзимни сўяман...
Фақат унутиб юбордим
Сурхондарёни.

Ойни тўсиб қўйдинг, Олма Дарахтим,
Бағрим ангаридан кўчди далалар.
Энди оғзимда ҳам оғрийди — тани
Пахтадай оқ, тошдай қаттиқ болалар.

Тиззамнинг кўзлари чучмома кўрди,
Бошида осмондан паранжиси бор.
Буғдойзорни ўроқ — қулоғим ўрди,
Чанқадим... Булутдай кетди ихтиёр.

Мени шаҳар олиб келган арава,
Ғилдирагинг синсин эди йўлларда.
Замбариқдай чириб кетсам жазиллаб,
Чумолилар есин эди чўлларда.

Итлар қопмас эди қалбимни,
Чопмасдим дилоғриқ, шикаста.
Атиргул... Атиргул... Атиргул...
Фаришта, қиз эмас, фаришта.

Фақат...
Фақат унутиб юбордим Сурхондарёни.

Шохларингиз синди, Олма Дарахтим.
Кафтларинга эланиб тўкилсам агар,
Ҳовучинг тўлади шиғирдоқ қумга,
Учажаксан Дарахт — боғлиқ кабутар.

Қишлоқни хушхабар мисоли келтир,
Даштлар руҳин томиз нафасларимга.
Заҳар ичирайин, игна юттирай
Ғозлардай таранган ҳавасларимга.

Атиргул чайқалади,
Осмонлар лойқаланди.
Товонимда тикон эмас,
Атиргул лўқиллайди.

Янтоқларнинг гулида
Очилар калтакесак.
Сенга керак бўлмаса,
Атир, дилни шарт кесай!

Фақат...
    *Фақат унутиб юбордим*
    С у р х о н д а р ё ни.

Бошинга салладай ўрадинг, Дарахт,
Сурхондарёни.
Балиқлар баргларга эврилди,
Нон каби синдирдим Дунёни.

Ва мен
Чигитдай кўкардим қаёққа тушсам.
Оққуш, йиғлайсанми, мабодо,
Медуза — юлдуздай ёнсаму учсам?

Кесаклар гуллайди соянгда,
Тошлар сув ичади булоқдан.
Сенинг йўлларингни кўраман
Синдириб ташланган туроқда.

Дил куяр, дил суяр, дилкуяр
Тошкану Ереван, Парижда.
Атиргул... Атиргул... .Атиргул...
Фаришта, қиз эмас, фаришта.

Арабий хурмодай ўсар Европо,
Кўксинга шарқона кунлар солмадим.
Мен Сурхондарёдан чиқиб кетдим, аммо
Сенинг ҳам кўнглинга кира олмадим.

Фақат...

2

Олма Дарахт, мунгли хофизим,
Минг бир томиримдан кўкарган бурғу.
Халқимни пайқамай қолди ҳофизам,
Юрагим — заминга санчилган урғу.

Сочларинга қафасланган аждарлар
Кифтларинга қўнган қушни алдади.
Унута бошладим она-халқимни
Ва бирдан сескандим ялдода.

Аслида уйимни унутдим бироз.
Отамни, онамни, сени ҳам — синглим.
Мен ўзга бир уйнинг мафтуни бўлдим
Ва ўзга бир халқнинг. Адашди кўнглим.

Учдимми алдоқчи ҳуснга қулдай?
Кирмоқчи бўлдимми кибор дойирага?
Аммо, Олма Дарахт, битта илдизинг
Ўзбекистонда, бири Қоҳирада.

Кесакка айланган гулга ўхшаган,
Ё гулга эврилган кесакдай опа,
Тирноғинг остида чаноқ тишларининг синиғи,
Чириган олмадай топталдинг...

Театрудан сархуш чиқаман бу дам,
Ҳамма бир-биридан маданиятли.
Мошиналар делфинлардай
Одамларни қирғоққа олиб учар,
Шу ерда кўрдим мен аристократларни.

Опа, халқ ўзингсан, булар халқ эмас,
Булар — каретада оқбилаклардир.
Оппоқ рўйжаларда уйқуларида
Қишлоқни данакдай чақмоқ тилакларидир.

Жодида тўрғадинг узун сочингни,
Арралаб ташладинг номусинг,
Опажоним — халқим,
Оролдай қуриётган кўзларинга
Қовурғамнинг иликларини қусдим.

Қовурғам синди чирт-чирт,
Чиллик қилиб ўйнайман.
Атиргул, кўксингни бер,
Кўкрагимга қўяй ман.

Қорлар ёғди йўлинга,
Гуллар билан супурдим.
Юрагимнинг қонини
Лабларинга тупурдим.

Юнусобод узоқ, Тахтапул қаттиқ.
Мен ожизман: дод-дод.
Севмайсан, нима қилай,
Кел, яхшиси, от, от.

Тишларингдан ўқ яса,
Холларингдан — тош, тош.
Қошингнинг бир учига
Киприк каби ос, ос.

Кунни ютиб кун ўтди,
Мен ҳам сени ютаман.
Юрагимнинг ўрнини
Силаб-силаб ўтаман.

Кошки тикан бўлсам,
Бармоғингга суқила олсам.
Суғира билмасанг иналар билан,
Мен сенинг танингда абадий қолсам.

Сенинг вужудингда кўз бўлиб очилсам,
Сенинг баданингда қошдай кўкарсам.
Атиргул... Атиргул... Атиргул...
Йиғлай оласанми агар ўлолсам?

Туммордай мен сени бўйнимга осиб,
Юракдай жисмимда олиб юрсайдим.
Аммо мен... Атиргул... Атиргул...
Кичрайдим... Атиргул... Кичрайдим.

Бармоғинга қора узук тақмагин,
Бўйнимга моҳитобонни тақаман.
Юлдузлардай узоқ-узоқ боқмагин,
Юлдузлардай ёниб-ёниб боқаман:

Ҳар битта Ватаннинг тоғи бор, Атир,
Ҳар битта Ватаннинг дарёлари бор.
Дарёларига тўлиб-тўлиб оққувчи
Халқи бор, эли бор, дунёлари бор.

Дарё, халқларни сиз олиб оқсангиз
Келажак денгизи томонга ҳар вақт,
Айтинг, қаёққача бора олади
Дарёси қуриган Ватанда бир халқ?

Энди пахталар ҳам оқ бўлмайдими?
Энди пахталар ҳам қонлар рангида.
Энди гўдаклар ҳам жим ўлмайдилар,
Энди гўдаклар ҳам ҳақнинг жангида.

Чаноққа чўзилган бармоқлари-ей,
Сумалакдай музлаб қотган укажон,
Тарозуга пахта керак бўлса гар
Бўм-бўш бошингни сўйиб топширма!

Фақат...
    Фақат унутиб юбордим
    Сурхондарёни.

Токка илинган чакка халтадай
Чивин босиб эски ҳовлида қолмадим.
Мен Сурхондарёдан чиқиб кетдим, аммо
Сенинг ҳам қалбинга кира олмадим.

Фақат...

3

Мен сени соғиниб йиғласам,
Кўзимдан ёш эмас, қон оқди.
Сен кетдинг осимон қанотларида,
Қароғимга чўкиб офитоб ёнди.

Юрагим тош эмас, сиёҳдон,
Дунёни ўзимнинг рангимга бўяйман.
Навоийга ўхшаб, қутлуғ ёдинга,
Атиргул, беш ҳайкал қўяй ман!

Фақат...
Фақат унутиб юбордим Сурхондарёни.

Баҳор оқар эди, куз оқар эди,
Қишлоқ четидаги ариқдан.
Хатлар оқизардим, гулларга ўраб,
Зовурда топилган қўшиқдан.

Сув олгани чиққан қиз,
Челагингда балиқ бор.
Мактуб ўқийман десанг
Мулойим қорнини йор.

Кўзида бир ҳалқа бор,
Ойқулоғида — арра.
Уйингни қайиқ каби
Тешиб ўтар, Ойсара.

Утди йиллар олти марта айланиб,
Юлдуз каттармади, ой кичраймади.
Уйингнинг олдидан қўй ҳайдай десам,
Тезроқ кеч кирмайди, ҳеч кеч кирмайди.

Эски иморатнинг томига чиқиб,
Уйинга бўй чўзиб қарайман.
Йўқ дема, Ойсара, йўқ дема,
Сенга-ку эрликка ярайман.

Фақат...
Фақат унутиб юбордим Сурхондарёни.

Қамишдан най ясаб, тилимдан булбул,
Баланд ғужумлардан, тепаликлардан
Оёқ-қўли чопилган айиқдай йиғлаб қарадим,
Бепарвосан дарс олиб капалаклардан.

Қишнинг охирими, баҳорнинг боши,
Сочингни тўзғитиб тарадинг.
Ҳовлингда толларнинг шохи қайрилган,
Пилла қурти каби оппоқ қарадинг.

Сочингни қордай оқ қатиққа ювдинг,
Ичкиларим келди сочинг суйини.
Ичига қайтарилган ёқангдан
Кўрдим томоғингнинг тубини.

Киндигимдан кўкарди
Филқулоқ кунгабоқар.
Ялпизларнинг баргида
Синган кипригим оқар.

Агар яхши кўрмасанг,
Тошлар отиб олай ўч:
Севилмаганим учун,
Ҳеч севмаганинг учун.

Алам қилди қилча суймасинг,
Аччиқдан эшшак тишлаган янтоқни едим.
«Худо, ўзинг кечир»,—
Дея шу оқшом,
Симторга ёйилган
Атлас кўйлагингни ўғирлаб кетдим.

О, уни қалбимга кийиб яшадим,
Тунларда қучоқлаб ухладим.
Мен ислаб тўймадим, ўпиб тўймадим,
Тўймадим — чайнаб, еб кўйлакларингни!!!

Қизларнинг кўйлагида
Сийнабанди бўлади.
Лабларингни теккизсанг
Минг йиллик дард ўлади.

Кунгабоқар кўп бўлса,
Ой, юлдуз кераги йўқ.
Тишларинг орасидан
Чақиб отажаксан ўқ.

Опам кўрпаларни йиғиштираркан
Кўйлагингни топди ёстиқ остидан.
Мушуклар бир ёмон миёвладилар,
Қўнғизлар ажралди мунис дўстидан.

Хаззон-яфроқлардан ўчоқ ясадим,
Шеърларим ёзилган дафтардан — ўтин...
Кўйлагинг кулини кўзимга суртдим,
Кўйлагинг кулини едим бус-бутун.

Фақат...
    Фақат унутиб юбордим
  С у р х о н д а р ё н и.

Ариқнинг бўйида тўпландик — синф,
Жуда яқин эди ажралишмоқ дам.
«Хайрлашмоқчийдим,— дедим,— кетаман»,—
Сен эса... мен билан... сўйлашмадинг ҳам!

Мен эса... ортингдан толе истадим.
Бахт тилаш ҳамиша ожизлик иши.

Қўлингдан бир йигит етаклаб кетди
Қип-қизил томларнинг оқ, ойдин қиши.

Мен ҳали севардим ўз қишлоғимни,
Ҳали севар эдим Сурхонни юрт деб.
Мен эса... бутунлай кетдим, гар қайтсам,
Ҳали севар эдим Сурхонни юрт деб.

Севгингни ташласанг ҳам
Юртингни ташламагин.
Кўп қизни унутсанг ҳам
Юртингни унутмагин.

Сени ҳеч ташлолайман,
Унутолмайман сени.
Олисдаги қўшиқдай
Ҳеч кутолмайман сени.

Фақат...
Фақат унутиб юбордим Сурхондарёни.

Чақмоқлар
Синади гугурт чўпидай.
Осмон
    ғижимланар рўмолча мисол.
Кўкалдош, бобожон, Олма Дарахтим,
Олисдаги юртга соғинчдан тимсол.

У сенинг олдингдан ўтади ҳар кун
Автобусларда.
Кеча мен у билан ёнма-ён кетдим...
Кетдим афсусларда...
            афсусларда.

Ҳилол — бу дунёга менинг сўроғим,
Унутилиб кетай — дилим шикаста.
Атиргул... Атиргул... Атиргул...
Фаришта, қиз эмас, фаришта.

Осмонимга офтоб бўлиб кирмадинг.
Мен қаттиқ севишдан толмадим.
Мен Сурхондарёдан чиқиб кетдим, аммо
Сенинг ҳам кўнглингга кира олмадим.
Фақат... унутиб юбордим Сурхондарёни.

4

Оқшом дарвозаси ёпилган,
Занглаган тарновдан тонг томар: чак-чак.
Наҳорда деразалар очилган,
Эзгу фаришталар келиши керак.

*Сен малаксан, парисан,*
Лайло йигирган ришта.
Атиргул... Атиргул... Атиргул...
Фаришта, қиз эмас, фаришта.

Парилар, малаклар лабимга қўнар,
Уларнинг таъмини сезар яна жон.
Ҳатто шайтонлар ҳам йўқлаб қўяди,
Фақат ўзинг йўқламайсан, Атиржон.

Илонлар исмимни ёзади қумга,
Қурбақа мени деб пуфак шиширар.
Барчага керакман қайноқ қон каби,
Керакмасман сенга, Атир, бир тошча.

Садоқатли итинг бўлай,
Бошингда бургутинг бўлай.
Оғушимда дур бўлсанг,
Қучоғингда йигитинг бўлай.

Мен ҳамма эшикни очаман катта,
Ҳамма деразани очаман.
Дунёда не бўлса келади, кетар,
Фақат сен келмайсан, кетмайсан, Атир.

Фақат... унутиб юбордим Сурхондарёни.

Ҳали сенинг шаклинг бошқача пайтлар,
Қулоғимга айтдилар азон — номингда.
Мен илк марта кўрганимда: биз
Ёнма-ён ётгандик Она Балиқ қорнида.

Ёнма-ён кетамиз автобусларда,
Балиқнинг қорнида ётган сингари.
Аммо мен ёнинга бора олмайман,
Борсам оёғим синади.

Тунлари ухламай хатлар ёзаман.
Ўқ теккан бўридай бўлдим оввора.
Ухламай камалак кўприк устида
Ўн қават гулханлар ёқар минора.

Тойглар қоронғуси — сиёҳранг номус.
Учинчи қаватнинг деразасида
Хира нур.
Шохдаги беҳига қараган каби
Олмаранг деразага термуламан,
Агар кўриб қолсанг, майли, ур.

Аммо сен ҳеч кўрмайсан,
Аҳволимни сўрмайсан.
Ёки мени ўзига
Қамаб қўйган тўрмисан?

Самолёт тез учади,
Поезд гурра кўчади.
Сувлар оқаверсалар,
Аламларим ўчади.

Соғинч каби очдим эшигинг.
Синглинг... синглинг мени қарғади.
Юрагимни, қонин оқизиб,
Юзинга қайроқдай қайрадинг.

Юрагим қуёшмас, тош эмас,
Кундан-кун кичрайиб борадир.
«Севаман» деб шивирласанг ҳам
Ерилар, жаҳонни ёрадир.

Симлар қоқишимни тақиқлаб қўйдинг,
Хатлар ёзишимни маън этдинг мутлоқ.
Мен эса ит каби атрофингдаман,
Яқин боролмайман, кетолмай узоқ.

Кўнглинг сенинг тош экан,
Кўзимдаги ёш экан.
Аҳдинг сенинг қаттиғу
Менинг шахдим бўш экан.

Йўлларда бекатлар кўп,
Одамлар турар тўп-тўп.
Ҳамма жойдан излайман,
Аммо сен йўқ, изинг йўқ.

Фақат...
Фақат унутиб юбордим
Сурхондарёни.

Онасига ўхшайди.— Қари.
Отасига ўхшайди.— Ишда.
Атиргул... Атиргул... Атиргул...
Фаришта, қиз эмас, фаришта.

Кўзлари оҳуники,
Лаблари — икки тўлқин.
Шу қиз насиб бўлмаса
Жон нимта-нимта ўлсин!

Бармоқлари узун-ей,
Иягида холи бор.
Пешонасида холи
Қатлим муҳри каби тор.

Ҳатто сувратинга раво кўрмадинг,
Мен эса ўғирлаб кетдим қаҳрдан.
Термулиб тураман то оқшомгача,
Термулиб тўймайман саҳардан.

Расмингни ишладим, каттакон
Қуёшга ўхшатиб, темирдан.
Менинг ҳам аҳдларим олтиндан қаттиқ,
Менинг ҳам суягим сабрдан!

Йигирма иккига тўлган кунингда
Совға айладим.
Атрофингда, қуёш атрофидаги Ердай,
Айландим. Айландим. Айландим.

Эшитдим, сувратни олган эмишсан,
Ҳавас қилган эмиш дугоналаринг:
«Бизни ҳам бир йигит шунчалик севса,
Ўлса... ва тирилса... ҳижронимиздан».

Севган эмас ҳеч ким менчалик вайрон,
Ҳеч ким севолмаган мендай бир кўришда.
Атиргул... Атиргул... Атиргул...
Фаришта, киз эмас, фаришта.

Фақат...
Фақат унутиб юбордим
Сурхондарёни.

Суякларим ўрнида пичоқлар ўсар,
Мен қаттиқ севишдан толмадим.
Мен Сурхондарёдан чиқиб кетдим, аммо
Сенинг ҳам қалбинга кира олмадим...

5

Қовоғидан қормас, пахта ёққан куз,
Оёғимда кирза, пайтаваси ҳўл.
Кўнглим бир шум хабар сезганди,
Бир ошнам мен сари солганида йўл.

— Салим...— деб жим қолди,
Қалбим титради,
У катта кўчани келди ёқалаб.
Минг битта томирим узилди,
Келди бир шум хабар орқалаб.

— Салим...— деб жим қолди.
Кўкрак қафасдан
Юрагим — қуш учиб қутилди.
Бир ангишвонада эркли бу юрак
Осмон қафасига тутилди.

— Салим...— деб жим қолди.
Оёғим ёғочдай — толдим-ей.
Орамиздан гап-сўз қочган эди-да,
Атирдан хавотир олдим-ей.

Дунё ёниб хор бўлсин,
Кўк лочинга тор бўлсин.
Минг йил уруш турса ҳам,
Зилзилалар кўпса ҳам
Фақат Атир бор бўлсин!

Қирғоқларнинг мускули —
Кўприклар тебранишда.
Атиргул... Атиргул... Атиргул...
Фаришта, қиз эмас, фаришта.

Атирдан хавотир олдим-эй:
— Нима гап?
— Тинчлик.
— Нимадир бўлдими Атирга?
— Йўқ, йўқ...— кулди.
Сўнг жимлик.

Аниқ эди нимадир рўй бергани:
— Атирга нимадир бўлдими?
У мажруҳ жилмайиб кифтимга қўл ташлади.
Мен эса... ўлмадим...
Мен эса... ўлдим.

— Йўқ,— деди,— бунчалик ҳаяжонланма,
Атир пахта териб юрибди.
Феруза айтдики, кеча ундан
Ўзи келиб аста сени сўрабди.

Оҳ, дедим, ғамимнинг харсангтошлари
Деразаларини синдирди осмоннинг.
Тўпиғимга қўлимни қўйдим:
— Атир соғ-саломат бўлса...
Сув босмайдими...

Ортиқ тутолмади ўзини дўстим.
Мени қучоқлади:
— Отанг ўлибди!..
Мен эса севиниб кетдим жуда ҳам,
Атир, Атир, сенинг тириклигингдан!!!

* * * * * *

Отамни кўмгани кечикдинг, пахта.
Узум қўнғироқлар чалади қишда.
Атиргул... Атиргул... Атиргул...
Фаришта, қиз эмас, фаришта.

* * * * * *

Отажон, мен сени яхши кўраман!
Соғиниб бағримни чуқур тиғладим,
Отажон, Атирни соғиндим жуда!
Ота, Атиржонни қўмсаб йиғладим.

Ота, соғинчимнинг илдизи чуқур,
Ота, ғамларимнинг қаноти катта.
Ёлғизим — Атирни соғинганларим,
Осмону Ердан ҳам улкандир, ота!

Соғиндим. Соғиндим. Соғиндим.
Суягим новвотдай эрийди.
Қирғоққа сакраган балиқдай
Тилларим қурийди, қурийди.

Онамнинг ҳолидан хабар олмасам,
Атирни ўйласам туну кун,
Шу қиз менга энг азиз бўлса,
Ўзинг кечир, ота, ҳаммаси учун.

* * * * * *

Атир сенга келин бўлар,
Кипригида эпкин бўлар.
Ота, ҳали бахт кўрасан,
Иззатларинг текин бўлар.

Қабрингга бош уриб келдим-ку,
Кўксимга тош уриб келдим-ку.
Минг бор сени кўрдим тер босган тушда.
Атиргул... Атиргул... Атиргул...
Фаришта, қиз эмас, фаришта.

Қалбимга ситамлар санчилди,
Мен қаттиқ севишдан толмадим.
Мен Сурхондарёдан чиқиб кетдим,
Аммо
Сенинг ҳам кўнглингга кира олмадим.

Фақат...
Фақат унутиб юбордим
Сурхондарёни.

6

О, Олма Дарахтим, Олма Дарахтим,
Яшил томиримдан кўкарган туйғу.
Сен Она Буғунинг шохисан,
Шохинга лаб босиб чаламан бурғу.

О, Олма Дарахтим, Олма Дарахтим,
Кичик ҳаётимда энг катта хатом.
О, Олма Дарахтим, Олма Дарахтим,
Беқадр ўлим учун кўкарган отам.

О, Олма Дарахтим, қўли кетмонда,
Бели ғўзаларда қартайган Она.
*На дўстлар ва на қиз севади,*
Мени
Севгувчи бор бўлса, ўзингсан яна.

О, Олма Дарахтим, Олма Дарахтим,
Дунёда ҳеч кимга керак бўлмасам...
Ўзинг тупроқ ташла — қилсам худкушлик,
Тангридай кечиргин агар ўлмасам.

О, Олма Дарахтим, раҳминг келсин-эй,
Найза бўл, чуқурроқ босай кўксимни.
О, Олма Дарахтим, Олма Дарахтим,
Дор бўл, томоғимдан осай ўзимни.

Мен нега йиғлайман? Нега йиғлайман?
Қайга тўкай кўксимга сиғмаган дардни?
Атиргул ҳайдади, кет, деди,
Наҳот бир пул қилдим ўзим қадримни?

О, Олма Дарахтим, Олма Дарахтим,
Ўз ўрнин тополмай кўп бўғилганлар.
О, Олма Дарахтим, Олма Дарахтим,
Севилиш бахтидан кеч туғилганлар!

Менинг қўлларим йўқ, чопиб ташланган,
Менинг оёғим йўқ — бўри еган шом.
Тўрт мучам бўлса ҳам — ўзимга қарши,
Илон қилган каби тилимни ҳаром.

Кўзим йўқ, оқ-қора ажратолмайман,
Юрагим — қон босиб занглаётган ўқ.
Булар бор бўлса гар — журъатим...
Журъатим ҳам бўлса,
Оддий омадим йўқ, менинг бахтим йўқ.

Ватан, юрт, халқ дея қайғуролмасам,
Қалбимни ўша қиз банд этса яна.
Улимимга рози севсам мен уни,
Қандай кунлар учун туққандинг, она!

Атиржонни кутаман,
Жаҳонни унутаман.
Менга эрга тегмаса,
Дунёдан тоқ ўтаман.

Елтегирмон айлансин,
Оёқ-қўлим бойлансин.
Мен ўламан, чашмимга
Атиргулим жойлансин.

Мен дунёни қайта кўряпман,
Мен энди дунёни қайта кўряпман,
Муҳаббат бор деган гап ёлғон экан.
Яхши одамлар кам китобдагидан,
Ишончим, умидим пуч, талқон экан.

О, Олма Дарахтим, Олма Дарахтим,
Сенинг япрогингда болта чархлайман.
О, Олма Дарахтим, мени алдадинг,
Ўзингдан кўр, сени чопиб ташлайман.

О, Олма Дарахтим, Олма Дарахтим,
Менинг юраккинам, севгилим менинг,
Мунтазам алдадинг — 24 йил,
Энди мен бўламан қотилинг сенинг.

О, Олма Дарахтим, отажонгинам,
Онам, синглим, севгилим — бебахт.
Умид, ишончларим пуч кўринади,
Эй руё, эй мавҳум, эй сароб Дарахт.

Мен сенга яхшилик қиламан, Дарахт,
Илдизингдан узиб ташлаб танангни.
Қиз севсанг — менчалик фидо севмагин,
Қиз севиб унутма, ахир, онангни.

О, Олма Дарахтим, Олма Дарахтим,
Дилимда энг сўнгги кураш туяман.
Сени чопган ўша болта остига —
Сенинг кунданга
Узимнинг бошимни қўяман!

Ҳаётим тугаши олдидан сездим,
Унутиб юбордим Сурхондарёни.
Яхши одамлар кам китобдагидан,
Севги деб тушундим дунёни.

Фақат...
    Фақат унутиб юбордим
  Сурхондарёни.

Аламлар нимта-нимта қилса ҳам
*Мен қаттиқ севишдан толмадим.*
Мен Сурхондарё дан чиқиб кетдим,
Аммо
Сенинг ҳам қалбинга кира олмадим.

Такомил топмади толеим,
Тошкану Ереван, Парижда.
Атиргул... Атиргул... Атиргул...
Фаришта, қиз эмас, фаришта.

Атиргул... Атиргул.., Атиргул...
Фаришта, қиз эмас, фаришта.
Мен ёки қишлоқда ўламан,
Ва ёки ўламан хорижда.

Фақат...
Унутиб юбордим Сурхондарёни.

Атиргул... Атиргул.., Атиргул...
Фаришта, қиз эмас, фаришта.

## МУНДАРИЖА


«Баҳорми соф нафаслар сочкан...» . . . 3
«Маним онам туфроқ эди...» . . . 4
Олма дарахт . . . 5
«Хирмон — бир ҳовуч тонг...» . . . 6
«Дарахтларга чиқиб олган тонг...» . . . 7
Эгатларга ташбеҳлар . . . 8
«Алпомиш, сен тулпор сурган ерлар қани?..» . 9
Ҳамал . . . 11
«Чарчамади чўзилган ёмғир...» . . . 13
«Кет, дединг...» . . . 14
«Кўксумга оловлар қалади фалак...» . . 16
«Ботаётган қуёш ғоятда ғамгин...» . . . 17
«Мени унутмоқда қамиш капалар...» . . . 18
«Жамолинг нурига ташнаман...» . . . 19
«Адолат, капалак интроқларида...» . . . 21
Ерук куча . . . 22
Ҳанифага бағишланган қўшиқ . . . 27
«Булутлар!..» . . . 30
«Бошимда йиглади бир қуёш...» . . . 31
«Кора осмон, кора осмон...» . . . 33
«Мункиллаган қария — қуёш...» . . . 36
«Бугун шанба, эрта — якшанба...» . . . 37
Атиргул (Достон) . . . 38

А 94. **Ашур, Салим.**
Атиргул: Шеърлар ва достон. — Т.: Камалак, 1994. — 64 б.

Уз2

*ЛИТЕРАТУРНО-ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ИЗДАНИЕ*

На узбекском языке

**Салим АШУР (Ашуров)**

**РОЗА**

Стихи и поэма

*АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР*

**Салим АШУР (Ашуров)**

**АТИРГУЛ**

Шеърлар ва достон

Муҳаррир **Равшан ФАЙЗИЙ**
Мусаввир ва расмлар муҳаррири
**Ҳабибулло РАҲМАТУЛЛАЕВ**
Техник муҳаррир **В. ДЕМЧЕНКО**
Мусаҳҳиҳ **Азиза ВАҲОБ қизи**

**ИБ № 3204**

Босмахонага 6.06.94 да берилди. Босишга 29.09.94 да рухсат этилди. Бичими $70 \times 90^1/_{32}$. № 1 босма қоғозга «Адабий» гарнитурада юқори босма усулида чоп этилди. Босма табоғи 2,0. Шартли босма табоғи 2,34. Нашр табоғи 2,25. Адади 500 нусхада. 46 буюртма 4—94 шартнома. Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон ЕИ Марказий Қўмитаси «Қамалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент—700113. Чилонзор, 8-мавзе, Қатортол кўчаси, 60-уй.